

# Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

http://xs.uz

E-mail: Info@xs.uz

2013 йил 1 февраль, № 22 (5696)

Жума

## Янгиликлар, воқеалар, хабарлар

Избоскан туманининг Чувама қишлоғида жойлашган "Nanyang cotton angel textile" кўша корхонасида ишлаб чиқарилаётган тўқимачилик маҳсулотлари бугун дунёнинг ўндан ортиқ мамлакатларига экспорт қилинмоқда.

### Экспорт салоҳияти ошмоқда

Бундан икки ярим йил аввал фаолият бошлаган мазкур корхонада айни пайтда йилга 10 минг тонна калава ип ишлаб чиқариш имконияти мавжуд.

Яқинда "Nanyang cotton angel textile"нинг иккинчи навбати ишга туширилди. Бунинг учун 7,4 миллион АҚШ долларлик сармоғ жалб этилди. Эндиликда бу ерда 400 нафарга яқин ишчи-мутахассис уч сменада меҳнат қилаётди.

**О. ШОДМОНАЛИЕВ,**  
«Халқ сўзи» мухбири.

### Тежамкорликка эришилди

Бухоро вилоятида Маҳаллийлаштириш дастурига киритилган корхоналар томонидан 2011 йилдан буён 44,1 миллиард сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқарилди.

Этиборлиси, мазкур дастур шарофати билан 22,5 миллион доллар микдориди чет эл валютаси тежаб қолинди. 35,7 миллиард сўмлик маҳсулот ички бозорга сотилди. Бунда Бухоро туманидаги "Buhara shaten clean" масъулияти чекланган жамиятининг ҳам муносиб улуши бор. Бултур корхонада амалга оширилган технологик янгиланишлар

**И. ИБРОХИМОВ,**  
«Халқ сўзи» мухбири.

### Бинокорларга яна бир қулайлик

Кумқўрғон туманида йилга бир миллион дондан зиёд пишиқ гишт ишлаб чиқариш қувва-тига эга янги корхона фаолият бошлади.

Мазкур лойиҳа «Сурхон катта қурилиш» масъулияти чекланган жамияти томонидан, банкнинг 200 миллион сўмлик кредити эвазига амалга оширилди. Хоризж технологияси ва ускуналари билан жиҳозланган корхонада ишлаб чиқарилаётган қурилиш маҳсулотлари қисқа муддатда харидорлар эътиборига тушиб улгурди. Лойиҳа рўёбга чиқishi билан тумандаги Кўганли маҳалласи ёшларидан 12 нафари доимий иш ўрнига эга бўлди.

**Н. ТЕМИРОВ,**  
«Халқ сўзи» мухбири.

### Тадбиркорларга молиявий мадад

Мирзаобод туманида ўтган йили тадбиркорларни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш мақсадида тижорат банклари томонидан 7 миллиард 490 миллион сўмлик кредит маблағлари ажратилди.

Пировардида ўнлаб лойиҳалар амалга оширилди, 732 та иш ўрни яратилди.

Богистон қишлоғилик Собиржон Саҳатдинов ҳам банкнинг 100 миллион сўмлик кредити эвазига сочиқ ишлаб чиқаришга мўлжалланган "Самовий бахт кувончи" масъулияти чекланган

**Ш. ХОЛМУРОДОВ,**  
«Халқ сўзи» мухбири.

### Машинасозлик учун бутловчи қисмлар

Чирчиқ шаҳридаги "Энергомаш" машинасозлик заводида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг қарийб 80 фоизи Маҳаллийлаштириш дастури асосида тайёрланмоқда.

Бунга корхонада техник ва технологик янгиланиш лойиҳалари рўёбга чиқарилгани туфайли эришилди. Натижада бу ерда мураккаб машинасозлик анжумлари, хусусан, қишлоқ ва сув ҳўжалиги, коммунал соҳа ва бошқа санаят тармоқларида кенг фойдаланиладиган насос агрегатлари ҳамда улар учун бутловчи қисмлар тайёрлаш ўзлаштирилди. Утган қисқа вақт ичида илгари, асосан, валюта ҳисобига келтирилган замонавий агрегатлардан 700 га яқини буюртмачиларга етказиб берилди.

Яна бир эътиборли жиҳати, корхонада модернизация шарофати билан яратилган иш ўринларига шаҳардаги санаят ва қурилиш касб-хўнаар коллежини битирган бир гуруҳ ёшлар жалб этилди.

**Ғ. ШЕРАЛИЕВ,**  
«Халқ сўзи» мухбири.

## Санаят корхоналарининг жадал ривожини

сифатли ва рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмининг ортишида яққол намоён бўлмоқда

**Фаол инвестиция сиёсати мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилаш бўйича олиб борилаётган ишларнинг энг муҳим шартини ҳисобланади. Президентимиз Ислам Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида ҳам бу ҳақда алоҳида таъкидланди. Бунинг самараси Ўзбекистон иқтисодиёти йигирма йил давомида 3,5 баробардан зиёд ўсганлиги, аҳоли даромадлари эса кейинги уч йилда 3 баробар кўпайганлигида ёрқин акс этмоқда.**

### Модернизация

Дарҳақиқат, ўтган даврда иқтисодиётимизнинг барча тармоқларида жадал ривожланиш жараёнига, турмушимиз тобора яхшиланиб бораётганига ғувоб бўлмоқдамиз. Аҳоли турмуш даражаси мамлакат равнақини белгиловчи асосий омиллардан бири эканлигини инобатга олсак, бундай ижобий ўзгаришлар нақадар аҳамиятли эканлигини англаш қийин эмас.

Иқтисодиётни таркибий ўзгатириш, ишлаб чиқариш корхоналарини модернизация қилиш борасида изчил амалга оширилаётган ишохотлар ички бозорни ўзимизда тайёрланган маҳсулотлар билан таъминлаш борарида, уларни экспорт қилиш имкониятини ҳам кенгайтираётди. Бунда, айниқса, Президентимизнинг 2011 йил 29 июлдаги "Санаят кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришни янада чуқурлаштириш бўйича 2011 — 2013 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорини муҳим дастуриламал бўлайти.

(Давоми 2-бетда).



## УСТЮРТ ГАЗ-КИМЁ МАЖМУАСИНИ ҚУРИШ ЛОЙИХАСИ 2012 ЙИЛДАГИ ДУНЁНИНГ ЎНТА ГЛОБАЛ ИНВЕСТИЦИОН ЛОЙИХАСИ ҚАТОРИДАН ЖОЙ ОЛДИ

Нуфузли «Диложик» консалтинг компанияси (Буюк Британия) томонидан эълон қилинган рейтингга кўра, Суртил кони негизда Устюрт газ-кимё мажмуасини қуриш лойиҳаси 2012 йил яқунларига кўра, дунёнинг ўнта глобал инвестицион лойиҳаси қаторидан жой олди.

### Ўксалиш

«Диложик» компанияси 1983 йилдан буён тижорат банклари, қимматли қоғозлар бозори иш-тироқчилари ва сармоядорлар учун молиявий бозорлар, қимматли қоғозлар ҳамда инвестицион фаолият масалалари бўйича таҳлили ва консалтинг хизматларини кўрсатиб келмоқда. Айни пайтда у энг йирик инвестицион лойиҳалар, инвестицион банклар ва консалтинг компанияларининг йиллик рейтингларини эълон қилиб боради. Яқинда «Уолл

стрит журнал» билан ҳамкорликда «Диложик» компанияси реал вақт режимида жаҳон минтақалари бўйича инвестицион фаоллик оид электрон бюллетенни эълон қила бошлади.

Сайёрамизнинг 2012 йилдаги глобал инвестицион лойиҳалари рейтингига дунёнинг барча минтақалари бўйлаб санаят тармоқлари ва инфратузилмаларини амалга оширилган энг йирик инвестицион лойиҳалар киритилди.

Умуман, 2012 йилда дунёда лойиҳавий молиялаш асосида умумий қиймати 382 миллиард долларга тенг тўққиз юздан зиёд лойиҳа амалга оширила бошланган. Айни пайтда уларнинг салмоқли қисми Осиё минтақасига (28 фоиз), Австралияга (22 фоиз) тўғри келади. Европада лойиҳавий молиялаш ҳажми умумий молиялаш ҳажмининг 16 фоизини ташкил этиб, бир йилда 38 фоизга камайган, Шимолий Америкада бу кўрсаткич 13 фоизни, Жанубий Америкада 11 фоизни ташкил этади. Шунингдек, Яқин Шарқ ва Шимолий Африка давлатларида ҳам лойиҳавий молиялаш ҳажми 29 фоизга камайиб, умумий микдорнинг 9 фоизини ташкил этди.

Тармоқлар бўйича етакчи ўрин-

ни — 30 фоизни транспорт ва коммунал инфратузилмани ривожлантириш лойиҳалари эгаллади, нефть-газ ва нефть-кимё санаяти лойиҳалари, шунингдек, электросанаят соҳасидаги лойиҳаларнинг ҳар бири 29 фоизни ташкил этди. Қолган қисми телекоммуникация, тоғ-кон санаяти ва санаятнинг бошқа тармоқларидаги лойиҳалардир.

Дунёнинг энг яхши ўнта инвестицион лойиҳаси қаторидан нефть-газ, тоғ-кон санаяти, транспорт ва коммунал инфратузилмалари лойиҳалари ўрин олди. Улар Австралияда (ўрта лойиҳа), АҚШ, Франция, Буюк Британия, Сингапур, Германия ва Ўзбекистонда (биттадан лойиҳа) амалга оширилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

### Аҳоли бандлиги таъминланмоқда

2012 йилда  
мамлакатимизда  
қарийб

1 000 000

та янги иш  
ўрни  
яратилди.

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

Жойларда  
комплекс чора-  
тадбирлар  
дастурини изчил  
амалга ошириш,  
шу жумладан,  
кичик бизнес ва  
хусусий  
тадбиркорликни  
ривожлантириш,  
қасаначиликнинг  
барча шакллари  
кенгайтириш ана  
шундай ижобий  
натижага эришиш  
имконини берди.

### Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда «Табиий монополиялар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4-моддасига ўзгариш киритиш ҳақида»ги ва «Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексига ва Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексига оила институтини такомиллаштиришга қаратилган ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳалари, «Ўзбекистон Республикаси билан Корея Республикаси ўртасида фуқаролик ва хўжалик ишлари бўйича ҳуқуқий ёрдам тўғрисидаги Шартномани (Сеул, 2012 йил

20 сентябрь) ратификация қилиш ҳақида»ги ва «Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатларнинг ноконуний миграцияга қарши курашда ҳамкорлик қилиши тўғрисидаги Битимга (Москва, 1998 йил 6 март) Ўзбекистон Республикасининг қўшилиши ҳақида»ги қонунлар муҳокама қилинди. Мажлисининг кун тартибига киритилган масалалар юзасидан сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳи вакиллари сайловолди дастурларидан келиб чиқиб, ўз мулоҳазаларини билдирдилар. «Халқ сўзи» мухбири уларнинг фикрлари билан қизикди.

## Муҳим қонун лойиҳалари кўриб чиқилди

Насимжон АЛИМОВ, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзоси:

— ЎзЛиДеП фракцияси аъзолари томонидан «Табиий монополиялар тўғрисида»ги қонун лойиҳаси, айниқса, чуқур таҳлил этилди. Зеро, унинг қабул қилиниши партиямиз платформасида белгиланганидек, ишбилармонлик муҳитини янада эркинлаш-

тириш, капитал концентрацияси жараёнини ривожлантириш, бу борада бозорлар монополиялашувининг олдини олиш, соғлом рақобат муҳитини сақлаб қолишда ниҳоятда долзарбдир. Бу, ўз навбатида, ишлаб чиқариш ҳажминини ошириш, ижтимоий бандликни таъминлаш, аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилади.

Қонун лойиҳасида табиий монополия субъектларининг фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш рўйхатидан «транспорт терминаллари хизматлари»ни чиқариб ташлаш тақдир этилапти. Бу эса тегишли қонун ҳужжатларини яна-

да либераллаштириш, иштирокчилар сонининг кенгайтиши ҳисобида бозорни фаол ривожлантириш, истеъмолчилар талабларини янада кенг қондириш имконини беради. Шунинг учун фракциямиз фаолиятнинг мазкур турини муайян белгиланган талабларга мос келадиган ҳудудга, асбоб-ускуналар билан жиҳозланган биноларга, ҳодимларга ва техник имкониятларга эга бўлган ҳамда тегишли божхона органидан лицензия олган ҳар қандай корхона амалга ошириши мумкинлигини тўлиқ қўллаб-қувватлайди.

(Давоми 2-бетда).

### Фурур

Грециянинг Салоники шаҳрида кураш бўйича жорий йилдаги дастлабки нуфузли мусобақа — «Ислам Каримов» IX халқаро турнири бўлиб ўтди.

### Полвонлар Грецияда беллашди

Кураш халқаро ассоциацияси, Европа кураш конфедерацияси ва Греция кураш федерацияси ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу мусобақада ўттиз мамлакатдан келган юз нафардан зиёд полвонлар уч вазн тоифасида совринли ўринлар учун кураш олиб боришди. Кураш халқаро ассоциациясидан маълум қилишларча, муросилиш бахслар якунида ҳамюртларимиздан Жавлон Тоғаев ва Рустан Саидов олтин медалларга сазовор бўлди. Мулқак вазн тоифасидаги полвонлар беллашувида эса болгариялик Иван Илиевга тенг келадиган рақиб топилмади.

Ҳамюртимиз Улуғбек Қўлдошев, грузиялик спортчилар Нодар Цалугелашвили, Георгий Ткемаладзе, Бекари Капанадзе, мезбонлар вакиллари Мирман Илиадис, Давид Цоқури, Михелис Михаилидис, Василиос Илиадис ва Дионисиос Илиадис эса ўз вазн тоифаларида совриндорлар сафидан жой олдилар.

Ф. АБИЛОВ тайёрлади.

# УСТЮРТ ГАЗ-КИМЁ МАЖМУАСINI ҚУРИШ ЛОЙИХАСИ 2012 ЙИЛДАГИ ДУНЁНИНГ ЎНТА ГЛОБАЛ ИНВЕСТИЦИОН ЛОЙИХАСИ ҚАТОРИДАН ЖОЙ ОЛДИ

⟨(Давоми. Бошланғичи 1-бетда).⟩

Глобал лойиҳаларнинг «ўнликка» киритилган Устюрт газ-кимё мажмуасини қуриш лойиҳаси ривожланаётган мамлакатлар бозоридаги энг йирик инвестицион лойиҳа, деб эътироф этилди.

Устюрт газ-кимё мажмуасини қуриш лойиҳасида йирик сурғил газ қонини ўзлаштириши янада жадаллаштириш, табиий газни ажратиб олиш, крекинг ва яқуний маҳсулот ишлаб чиқариш заводларининг барпо этилиши назарда тутилган. Ушбу мажмуа 4,5 миллиард кубметр табиий газни қайта ишлаш натижасида 400 минг тонна полиэтилен ва 100 минг тонна полипропилен ишлаб чиқариш имконини беради. Йиллик экспорт ҳажми 750 мил-

лион доллардан ошади. Маҳсулотнинг, асосан, Европа, Шарқий ва Жануби-шарқий Осиё бозорларида сотилиши мўлжалланмоқда. Устюрт газ-кимё мажмуаси 2016 йилдан ишга туширилади.

Устюрт газ-кимё мажмуасини қуриш лойиҳасини «Уз-Кор газ кемикал» қўшма корхона амалга оширади. Мазкур қўшма корхона «Ўзбекнефтьга» миллий ҳолдинг компанияси ҳамда Жанубий Кореянинг «Когас», «Лотте-групп» ва «СТЭКС энержи» компаниялари инвестициявий консорциуми томонидан таъсис этилган.

Лойиҳанинг умумий қиймати 4 миллиард доллардан ортиқдир. Шундан 2,54 миллиард доллар Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг кафолатисиз 16 банк, суғурта

компаниялари ва молиявий институтлардан иборат халқаро кредит консорциуми томонидан лойиҳавий молиялаштирилиши қўзда тутилган. Лойиҳанинг қолган қисми муассаслар ҳисобидан молияланади.

Илгари хабар қилинганидек, «Томсон-Рейтер» жахон бизнес ахборот агентлигининг бўлинмаси — «Прожект файнэнс интернашнл» журнали 2012 йил якунлари бўйича, лойиҳанинг ноёблиги ва аниқлигини алоҳида кайд этиб, ўз рейтингда Устюрт газ-кимё мажмуасини қуриш лойиҳасини нефть-кимё соҳасидаги йилнинг энг яхши лойиҳаси, собик иттифоқ ҳудудидаги энг йирик нефть-кимё лойиҳаси, деб эътироф этганди.

⟨ЎЗА.⟩

# Муқаддас бурч

**Истиқлолнинг қадрини ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди. Биз учун унинг аҳамияти ниҳоятда катта. Чунки муқаддас шарафати билан юртимиз обод бўлди, шаҳару қишлоқларимиз қиёфаси тубдан ўзгарди, турмушимизга мазмун кирди, ҳаётимиз фаровонлашиб, эртанги кунга ишончимиз мустаҳкамланди. Бу борадаги эзгу ишлар изчил давом этирилмоқда.**

Эришилаётган ютуқлар, албатта, жамиятимизда ҳукм сураётган тинчлик ва оқо-ийштак билан бевосита боғлиқ, Демак, бунинг қадрига етиш, тинчликни асраб-авайлашга муносиб ҳисса қўиши ҳам муқаддас бурчимиздир. Она-Ватанга меҳр-муҳаббатли, садоқатли кишилар ана шу туйғунинг масъулиятини доимо ҳис қилиб яшаيدилар. Шу маънода айтганда, бугун Ўзбекистон фарзандлари, профессионал асосдаги миллий армиямиз сафларида хизмат қилаётган жасур ва мард, интеллектуал салоҳиятли ўғлонларнинг ҳар бири садоқатда, фидойликда тенгсиз саналмоқда.

— Эндилда уларга ҳавас қилиб, ўз хоши-иродаси билан мударатли ҳарбий хизматга бориш истагини билдираётган ёшлар сафи тобора кенгайиб бораётгани янада қувончлидир. — дейди Жиззах вилояти мудофаа ишлари бошқармаси масул ҳодими, подполковник Шамсиддин Абдуллаев. — Чақирилувчилар бир неча босқичли тиббий кўрик ва синовлардан ўтишди. Чақирув комиссиялари томондан иқобий ҳуқоса берилган, яъни ҳар томонлама соғлом, билимли, интеллектуал салоҳиятли деб топилган йигитларгина мударатли ҳарбий хизматга юборилади. Бу жараёнда Президентимизнинг 2012 йил 28 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг мударатли ҳарбий хизматга навбатдаги чақирuvi ҳамда белгиланган хизмат мударатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни Куролли Кучлар резервига бўшатиш тўрисида»ги қароридан назарда тутилган вазифаларга алоҳида эътибор қаратишмоқда.

— Чақирув мавсумини юқори савияда ўтказишда чақирув ва йигин пунктларининг инфратўлимлиси, моддий-техник имкониятлари муҳим аҳамият касб этади, — дейди майор Шодиёр Бекмуродов. — Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 5 августдаги «2010 — 2012 йилларда чақирув ва йигин пунктларини реконструкция ва модернизация

қилиш дастури тўғрисида»ги қарори талабларидан келиб чиқиб, бу борада Жиззах вилоятида ҳам кенг қамровли ишлар амалга оширилди. Жумладан, вилоят мудофаа ишлари бошқармаси йигин пункти, шаҳар ва туман мудофаа ишлари бўлиmlари чақирув пунктлари модернизация қилиниб, фойдаланишга топширилди. Эндилкида бу чақирув тадбирларининг сифати ва самардорлигини оширишда муҳим аҳамият касб этаётди. Чақирув ёшидаги фуқароларни ҳарбий касбга йўналтириш мақсадида мудофаага қўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотидан ўқув ишлари олиб борилмоқда.

— Чақирилувчиларни малакали тиббий кўриқдан ўтказилган мударатли ҳарбий хизматга бориш истагини билдираётган ёшлар сафи тобора кенгайиб бораётгани янада қувончлидир. — дейди Жиззах вилояти мудофаа ишлари бошқармаси масул ҳодими, подполковник Шамсиддин Абдуллаев. — Чақирилувчилар бир неча босқичли тиббий кўрик ва синовлардан ўтишди. Чақирув комиссиялари томондан иқобий ҳуқоса берилган, яъни ҳар томонлама соғлом, билимли, интеллектуал салоҳиятли деб топилган йигитларгина мударатли ҳарбий хизматга юборилади. Бу жараёнда Президентимизнинг 2012 йил 28 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг мударатли ҳарбий хизматга навбатдаги чақирuvi ҳамда белгиланган хизмат мударатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни Куролли Кучлар резервига бўшатиш тўрисида»ги қароридан назарда тутилган вазифаларга алоҳида эътибор қаратишмоқда.

— Чақирув мавсумини юқори савияда ўтказишда чақирув ва йигин пунктларининг инфратўлимлиси, моддий-техник имкониятлари муҳим аҳамият касб этади, — дейди майор Шодиёр Бекмуродов. — Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 5 августдаги «2010 — 2012 йилларда чақирув ва йигин пунктларини реконструкция ва модернизация

## ⟨⟨(Давоми. Бошланғичи 1-бетда).⟩⟩

Умуман олганда, мазкур ҳуқуқий ҳужжат лицензияланадиган фаолият турларини амалга ошириш учун ружасат олиш тизimini соддалаштириш ва мударатларни қисқартиришда айна мударадир.

**Жаҳонгир БОБОВ,** Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг Олий Мажлиси Конунчилик палатасидаги фракцияси аъзоси:

— «Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексига ва Ўзбекистон Республикасининг Оила кодекс-

дан судларга олиб берилишига тўлиқ қўшилиши.

**Умид ЖУМАНИЕЗОВ,** Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партиясининг Олий Мажлиси Конунчилик палатасидаги фракцияси аъзоси:

— Аввало, қўйи палатанинг навбатдаги мажлиси кун тартибига киритилган барча масалалар «Адолат» СДП фракцияси йигилишида интерактив тарзда кўриб чиқилганини алоҳида айтиш лозим. Хусусан, «Табиий монополиалар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунчининг 4-моддасига ўзгартиш киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси бўйича бир қатор тақлифлар бидирди.

# Муҳим қонун лойиҳалари кўриб чиқилди

сига оила институтини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси партияимиз сайловди дастурида ифодаланган устувор йўналишларга муштаракдир. Шунинг учун ҳам оила институтининг ҳуқуқий-ташкилий асосларини такомиллаштиришни тўлиқ қўллаб-қувватлаймиз.

Маълумки, ёш авлодга таълим-тарбия беришда нафақат оила, балки давлат, жамият, маҳалла ва жамоат ташкилотларининг ўрни беқис. Қолаверса, ота-онасиз ёлғиз қолган фарзандларга ҳамюрлик қўрсатиш халқимизга хос эзгу ғазилатдир. Ушбу қонун лойиҳаси ана шу қадриятларимизни ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаш имконини беради. Шу билан бирга, мазкур ҳуқуқий ҳужжатда фарзандликка олиш тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколатини ҳокимлар-

ришти ҳақида»ги қонун лойиҳаси бўйича бир қатор тақлифлар бидирди. Кайд этиш жоизки, унинг қабул қилиниши партияимизнинг асосий мақсадларидан бири — иқтисодийёт тармоқларига адолат, холислик ва шафдоқлик принципларини ҳаётга янада тўлақонли татибик этишда салмоқли роль ўйнайди. Бойси, унда бозорнинг жадал ривожланиши, кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари сонининг кўпайиши ҳисобига истеъмолчиларнинг талабларини қондирилиши муносабати билан «транс-порт терминаллари» хизматларини давлат томонидан тартибга солинадиган сохалар рўйхатидан чиқариш қўзда тутилмоқда. Бу эса келгусида тенг шароитларда эркин ва соғлом рақобат муҳитини жадаллик билан равақ топтиради ўзига хос ҳисса бўлиб қўшилиши, шубҳасиз. Пировадидан аҳолига хизматлар

қўрсатиш даражаси ва сифати янада ошади. Юқоридагиларнинг барчаси партияимиз мақсаду вазифаларга мос бўлиб, сайловчиларимиз ҳуқуқ ҳама эркинликлари, қонуний маффаатларини амалга оширишда муҳим ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан фракцияимиз ушбу қонун лойиҳасини маъқуллади.

**Комила КАРАМОВА,** Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг Олий Мажлиси Конунчилик палатасидаги фракцияси аъзоси:

— Халқаро тажриба шуни кўрсатдики, кўпгина давлатларда фарзандликка олиш фақат суд тартибидан амалга оши-

тўғри келади ҳамда уни барча бўғинлардаги депутатлик корпусларимиз ва фракцияимиз маъқуллайди.

**Абдураҳим ҚУРБОНОВ,** Ўзбекистон экологик ҳаракатининг Олий Мажлиси Конунчилик палатасидаги депутатлар гуруҳи аъзоси:

— Маълумки, Юртбошимиз ташаббуси билан 2012 йилга «Мустаҳкам оила йили», 2013 йилга эса «Обод турмуш йили» дея ном берилиб, шу асосда Давлат дастурали ҳаётга изчил татбиқ этилаётди. Албатта, бу борада фарзандликка олиш, унинг тарбияси, келажак тақдирини, баркамол инсон бўлиб вояга етиши йўлида ҳамюрлик қўрсатиш масаласи ҳам давлатимизнинг диққат-эътиборида бўлади.

Бугунги кунда оила, фарзанд тарбияси, фарзандликка олиш ва у билан боғлиқ қонунчилик янада ривожлантирилмоқда. «Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси ва Ўзбекистон Республикасининг Оила кодексига оила институтини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси бунга аққол мисолдир. Экоҳаёкат депутатлар гуруҳи йиғилишида мазкур қонун лойиҳасининг долзарб томонларига тўхталиб ўтилди. Чуноткин, унда болаларнинг маффаатлари йўлида фарзандликка олишнинг суд тартибидан жорий қилиш назарда тутилмагани фарзандликка олиш масалаларини хал қилишда қонунийликни янада кенг таъминлади. Қолаверса, тарбия муассасасига жойлаштирилган боланин ота-онасидан суд томонидан ундирилган алимент мазкур боланинг номига очилган банк ҳисобварағида ҳамланиши ва у вояга етганда тўлаишти тартибидан белгиланишига алоқадор. Бу эса улар янги ҳаётини бошлаши ҳамда жамиятда муносиб ўрин эгаллашлари учун маълум миқдордаги шахсий маблағига эга бўлишларини таъминлади.

Содиҳон МАКСУМОВ.

# Саноат корхоналарининг жадал ривожини

сифатли ва рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмининг ортишида яққол намоён бўлмоқда

⟨(Давоми. Бошланғичи 1-бетда).⟩

Пировадидан бугунги кунга келиб, маҳаллийлаштириш жараёни, том маънода, иқтисодийётнинг барқарор ривожланишини таъминлаш, ишлаб чиқаришга илғор технологияларни жалб қилиш ва жамоат ташкилотларини мавжуд ресурслардан унумли фойдаланиши, иш ўринларини яратиши, асосийки, корхоналарнинг ташки тасирларга боғлиқлигини таъминлаш тизими сифатида такомиллашмоқда.



Аслида маҳаллийлаштириш ишбилармонлар учун беқис имконият ҳамдир. Айтайлик, бирор бир тадбиркор хориждан технология уқуна ва унинг

ахтиёт қисмини келтирмоқчи бўлса, белгиланган тартибда божна тўлови, ишлаб чиқарилган маҳсулот учун даромад, яғна ва мулк солиқларидаги маълум мударатга қўшилиди. «Peng-Sheng» Ўзбекистон — Хитой қўшма корхонаси — шундай имтиёзлардан самарали фойдаланаётган ҳўжалик юритувчи субъектлардан бири. Жами инвестиция ҳажми 26 миллион АҚШ долларини ташкил этган мазкур корхонада буротма асосида иш пойабзаллари, турли қур-қоплама ҳамда сопол қошинлари ҳам харидорларга манзур бўлмоқда.

Бош директор Жи Кинг айтишича, юртимизда яратилган қулай инвестициявий муҳит туйғайли корхона фаолияти йил сайин ривожланмоқда. Хусусан, Маҳаллийлаштириш дастури асосида ўтган йилда керамик плиталар ишлаб чиқариш йўлга қўйилиб, олти миллион квадрат метр ҳажмдаги маҳсулот истеъмолчиларга етказиб берилди.

«Тошрангмет завод» очик акциядорлик жамиятида буттур маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ҳажми 2,6 миллиард сўмликка етказилди.

— Бунинг натижасида 1 миллион 146 миллион сўм маблаг иқтисод қилинди, — дейди корхона муҳандиси Равшан Ғулломов. — Ишлаб чиқаришни тежамок технологиялар асосида модернизация қилганимиз маҳсулот таннархининг арзон бўлишини таъминляпти.

Умуман, саноатни ривожлантириш, ишлаб чиқариш ҳажминини кенгайтириш ва рақобатбардош маҳсулотлар турини кўпайтиришда бу каби янгиланишларнинг самараси катта бўлмоқда.

**Дишлод УЛУҒМУРОДОВ,** «Халқ сўзи» муҳбири.

**СУРАТЛАРДА:** «Тошрангмет завод» очик акциядорлик жамияти фаолиятидан лавжалар.

Хасан ПАЙДОВ

олган суратлар.

# Тадбир

**Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси марказий кенгашининг йиғилиши бўлиб ўтди. Тегишли вазирлик, идора ва жамоат ташкилотлари вакиллари қатнашган мазкур тадбирда жамғармининг 2012 йилдаги фаолияти якунлари ва 2013 йилдаги вазифалари таҳлил этилди.**

# Нуронийлар — эъзозда

Ўзбекистон фахрийларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш «Нуроний» жамғармаси марказий кенгаши раиси Э. Бокчиданов ва бошқалар мамлакатимизда фахрийларни моддий-маънавий ва тиббий-иқтимоий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, ёшлар таълим-тарбиясида уларнинг бой тажрибасидан оқилона фойдаланишга катта эътибор қаратиётганини таъкидладилар. Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 30 майда қабул қилинган «2011 — 2015 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни янада кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори бунда муҳим омил бўлмоқда.

Нуронийларни қардлаш, оила ва жамият ҳаётининг фаолигини ошириш, саломатлигини муҳофазалаш — доимий эътиборда. Хусусан, пенсия ва нафақалар муттазид олишириб берилмоқда, тегишли давлат дастурали доирасида бу борада кенг қамровли ишлар қилинмоқда.

«Мустаҳкам оила йили» Давлат дастури доирасида «Нуроний» жамғармаси томонидан ижтимоий ҳимояга олинган ёлғиз кексаларнинг барчаси тиббий кўриқдан ўтказилиб, саломатлиги яхшиланди. Бир ярим минг нафардан зиёд ёлғиз кексалар ногиронлик аравачаси ва эшитиш мосламалари билан таъминланди. Шунингдек, 4,7 минг нафардан зиёд ёлғиз кексаларнинг уй-жойларини таъмирлаш, Саховат ва Мурувват уйларидаги фахрийларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш бўйича хайрия тадбирлари ташкил этилди. Маҳаллий ҳокимликлар ва ҳомийлар маблағлари ҳисобида 1,5 мартага қисқартирилди. 2013 йил 1 январдан бошлаб эса 65 шақлдаги статистик, 6 та солиқ ҳисоботи бекор қилиниб, улари тўқим эйтиш даврийлиги 2 марта қисқартирилди.

Ушбу саъй-ҳаракатлар аҳоли бандлигини таъминлаш, уларнинг даромадларини янада ошириш, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажминини кенгайтириш орқали ички талабни қондириш ва энг муҳими, ҳар бир оиланинг турмуши обод бўлиши учун замин яратишга қаратилгани билан аҳамиятлидир. Зеро, жахон молиявий-иқтисодий инқиросу хали-ҳануз давом этаётган бир шароитда юртимизда иқтисодийётнинг барқарор ўсиши таъминланмоқда, аҳоли фаровонлиги босқинча-босқинча юксалди. Бу эса нуфузли халқаро ташкилотлар, йирик хорижий олим ва мутахассислар томонидан ўз олинаётган Ўзбекистоннинг таъ ривожланиш модели нақадар тўғри эканлигининг натижаси ва тасдиғидир.

**Бехзод ТАҒАЕВ,** Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Ижтимоий тадқиқотлар институтининг раҳбари, иқтисод фанлари номзоди.

# 2013 йил — Обод турмуш йили

Президентимиз Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурининг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузасида иқтисодийётнинг барқарор ривожлантириш, унинг рақобатбардошлигини ошириш, етакчи тармоқларини модернизациялаш масалаларига алоҳида эътибор қаратиб, аҳолининг иқтисодий ҳолати катталарини манзилли ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш, фуқароларнинг, айниқса, қишлоқ аҳолиси даромадларини, турмуш даражаси ва сифатини изчил ошириш зарурлигини таъкидладди.

Дарҳақиқат, аҳоли турмуш даражасининг изчил ва барқарор ўсиб боришини таъминлаш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналиши этиб белгиланган. Шу нуқтаи назардан, ҳозир юртимизда иқтимоий адолат ва ҳимоя принципларига асосланган демократик жамият барпо этиш йўлида кўпгина хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, ўтган йилда Давлат бюджети ҳаракатларининг асосий қисми, яъни қарийб 59,2 фоизи иқтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш чора-тадбирларини амалга оширишга йўналтирилгани диққатга сазовор.

Эътироф этиш керак, Ўзбекистон иқтисодий этилгирида йил давомида 3,5 баробарга юксалди, янги ички маҳсулот жон бошига 2,5 баробарга ошди. Бу эса, ўз навбатида, фуқароларнинг фарован ҳаёт кеңириш даражаси ва сифати кўрсаткичлари жаҳондаги ривожланаётган давлатлар ичида юқори қаторлардан жой олишига омил бўлди. Шу билан бирга, охириги беш йилда янги ички маҳсулотнинг йиллик ўсиш суръати дунёдаги санокли давлатлар қаторида 8,2 фоиздан кам бўлмаган даражага ташкил этгани ва Осиё тарқиқот банкининг маълумотига кўра, аҳоли даромадлари кейинги уч йилда 3 баробар кўпайгани ҳам бунга яққол мисолдир.

Шу ўринда бандлик структурасида юз берган иқтимоий ўзгаришларни ҳам кайд этиш жоиз. Агар 90-йилларда аввалда давлат секторидан иш билан банд аҳолининг 60 фоизи жам-

# Иқтисодий барқарорликнинг асосий омили

ланган бўлса, ҳозирги пайтга келиб, у уати 20 фоиз аҳолини қамраган. Бугун бу кўрсаткич 25 фоизни ташкил этади, аҳолининг хизматлар соҳаси ва транспортдаги бандлиги даражаси эса, ақинча, 36 фоиздан 52 фоизга кўтарилганини кўриш мумкин. Саноатдаги бандлигининг суръати ортиши ғоят маъқул тенденция ҳисобланади, шунингдек, уй-жой, йул ва саноат қурилиши ҳажмлари ошиши сабабли, бу соҳада ҳам иш жойлари яратилмоқда.

Албатта, мазкур ислотлар халқнинг турмуш даражасини янада яхшилаш, шу билан бирга, юртимиз тарқиқотнинг босқинча-босқинча юксалишига хизмат қилади. Зеро, жорий йилнинг Президентимиз томонидан «Обод турмуш йили» деб эълон қилингани ва бу бўйича Давлат дастурини ишлаб чиқишда муҳим устувор йўналишларга зарур чора-тадбирлар қўриш белгилангани ҳар биримизга жиддий маъсулият ўқайди.

Хусусан, унда, энг аввало, мамлакатда тинчлик-оқоийштаклик, ҳавфсизлик, фуқаролар ва миллатлараро аҳиллик ва ҳамжиҳатликни сақлаш ҳамда мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқ ва

эркинликларини ҳимоя қилиш, жамият раванглиги ҳамда ободлигини янада ошириш масаласи қўйилган. Бунда аҳолининг турмуш сифатини оширишга қаратилган қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш, тегишли меъёрий ҳужжатларга ўзгартириш киритиш, жумладан, иссиқлик, табиий газ билан таъминлаш, муқобил энергия манбалари тўғрисида, фуқароларнинг таълим олиншари имкониятларини кенгайтириш, соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматларни янада яхшилаш ва бошқа йўналишларда аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқишнинг ҳамда уларга бинаон изчил амалий фаолият олиб борилиши лозим.

Айниқса, аҳоли фаровонлиги ва реал даромадларининг мунтазам ўсишини таъминлаш, бунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, фермерликини ривожлантириш, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи янги корхоналар қуриш ва амалдагиларини модернизация қилиш бўйича ишлар ҳажминини кенгайтириш, кичик новвойналарни қуриш, ҳар бир қишлоқ туманида паррандачилик ҳўжалиқларини ташкил қилиш самарали натижаларга олиб келиши кутилмоқда.

тиббийёт ҳодимлари меҳнатини моддий ва маънавий рағбатлантиришни кучайтириш талаб этилади.

Бундан ташқари, Дастурда маҳалла институти ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини такомиллаштириш, уларнинг ҳуқуқ ҳамда ваколатларини кенгайтириш, айниқса, оилани янада мустаҳкамлаш, оила ва жамиятда аёлларнинг тарбияли омиллари ошириш, уларнинг ижтимоий фаоллигини кучайтириш, фаолиятини муносоиб рағбатлантириш каби омиллар белгиланиши қўзда тутилган.

Обод турмуш тўғрисида сўз юртар эканимиз, аввало, унинг кенг қамровли ижтимоий-иқтисодий жараёни эканлигига эътибор қаратиш муҳим. Бу ўринда мамлакатимизнинг таълим ва соғлиқни сақлаш, кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантиришдаги натижаларининг халқаро анжуман ва конференцияларда жахон ҳамжамияти томонидан эътироф этилиши алоҳида таъкидлаш ўринидир.

Жумладан, таълим соҳасидаги миллий моделнинг ўзига холиги юртимизда 12 йиллик умумий мажбурий бепул таълим тизimini ташкил қилиниши, унинг даражаси Хамдўстлик ва бир қатор ривожланган мамлакатлардан ўсиб кетганиги аҳоли фаровонлигини оширишда эришилган оламшумул натижадир.

Ўз навбатида, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида ўзига хос механизми ва каталитор сифатида тарқиқий ўзгариш, иқтисодийётни диверсификация қилиш, барқарор ўсиш, иқтимоий муаммоларни енчилди. Яъни иш билан бандлик ҳамда аҳоли турмуш даражаси ва сифатини оширишда муҳим роль ўйнамоқда.

Рақамларга эътибор қаратадиган бўлсак, сўнгги ўн йилда янги ички маҳсулот тарқиқотида кичик бизнеснинг улуши 31 фоиздан 54 фоизга кўтарилди, саноатдаги улуши 22 фоизни ташкил этди. Ушбу соҳада иш билан бандлик даражаси 2000 йилда 49,7 фоизга булгани ҳолда 2012 йилда 76 фоизга ва аҳоли даромадларининг ўрниндан ортини тадбиркорлик фаолиятини тулган даромадлар ҳиссаси тўғри келмоқда. Фақат 2005 йилдан 2012 йилга қадар микрофирма ва кичик бизнес субъектларининг яғна солиқ тўловлари 2,5 марта,

Б. ХИДИРОВА,  
ЎЗА муҳбири.

# ЖАХОН

## 24 соат ичида

Япониянинг «Toyota» автомобиллар концерни ўтган йили 9,75 миллион донга автомобиль сотишга муваффақ бўлди.

## Яна мавқеини тиклаб олди



Шу тариқа у махсулот савдоси бўйича дунёда биринчи ўринни эгаллади. Даромад ҳамми эса 25 фоизга ортган. Бу концерннинг 75 йиллик фаолияти давомидаги энг юқори кўрсаткичдир.

2008 — 2010 йилларда ҳам «Toyota» автомобиллар сотиш борасида етакчиликини эгаллаганди. Аммо 2011 йилда мамлакатда юз берган зилзила, шунингдек, Таиландда содир бўлган кучли сув тошқинлари ва АКШга экспорт қилинган автомобилларида аниқланган камчиликлар тўғрисида концерннинг ишлари бир оз орқага кетган эди.

## Кутилаётган даромад

Бюджети унча катта бўлмаган Ирландиянинг «Ryanair» авиакомпанияси жорий ҳисоботи йилини (март ойида якунланади) қарийб 540 миллион евро миқдоридидаги даромад билан якунлаши кутилмоқда.



Бунга авиакомпания томонидан кўрсатилаётган хизматлари Шимолий Европа мамлакатларида талаб ошгани мумкин асос бўлмоқда. 2012 йилнинг охири уч ойида «Ryanair» тарифлар нархисини сақкиз фоизга ошириш орқали 18 миллион евро миқдоридида даромад ишлаб олган.

## Халқаро мукофот жорий этмоқчи

Хитойлик миллиардер Сэмүэль Ин «Тан» халқаро мукофотини жорий этиш ниятида эканлигини маълум қилди.

У тўрт йўналишда — био-медицина, барқарорлиги таъминлаш, хитойшунослик ва ҳуқуқшунослик соҳасида юқори натижаларга эришган мутахассисларга берилиши кўзда тутилмоқда.

Мукофотни дунёнинг барча мамлакатлари фуқаролари олиши имкониятига эга. Унинг миқдори эса Нобель совриндорларига бериладиган маблағдан кам бўлмайд.

Режага кўра, «Тан» мукофоти голиблари ҳар икки йилда аниқланади.

## Ўттиз уч йилдан кейин топилди

Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида истиқомат қилувчи Алмейдалар оиласида сақланган «Мануэла» лақабли тошбақа 1980 йили ўз-ўзидан йўқолиб қолганди.

Яқинда «Мануэла» уйнинг оморхонасида яна пайдо бўлган. Тошбақа ўттиз уч йил давомида шу ердаги қўтилардан бирининг ичида яшаган экан.

Ҳозир ҳаммани у шунча йил давомида қандай тирик қолгани қизиқтирмоқда. Чунки тошбақа жон сақлаб қолган жойда озикланishi учун ҳеч вақо бўлмаган.

Мутахассислар таҳминча, «Мануэла» чумолиларни еб қорнини тўйдирган.

Хориз матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

## Мелиорация

Кейинги йилларда аграр соҳада амалга оширилаётган илчил ислохотлар тўғрисида мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми тобора ортиб бормоқда. Натижада деҳқону фермерларимиз хонадонидаги даромад, дастурхонимизга файз-барак кираяпти. Бунда Президентимизнинг 2007 йил 29 октябрдаги «Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони дастуриламал бўлаяпти.

# Мўл ҳосил пойдевори

Хусусан, мазкур ҳужжат ижроси жойларда ер унумдорлигининг ошиши, мелиорация ишларини ташкил қилиш ва молиялаштириш механизмини шакллантириш, ирригация-мелиорация тизимини тубдан янгилаш ҳамда агросаноат мажмуидаги «мелиорация маданияти» таъминоти қилиб келишига асос бўлди.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ҳисобига ҳосилдорлики 20 фоизгача ошириш мумкин. Бугунги кунда соҳа ходимлари зиммасига ирригация-мелиорация тармоқларини ишчи ҳолатда сақлаш, коллектор-вузурларни реконструкция қилиш, таъмирлаш, тиклаш ва қайта қуриш ишларини мунтазам олиб бориш каби мумкин вазифалар юклатилганлигини боиси ҳам шунда, аслида.

— Президентимиз халқ депутатлари Хоразм вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқида тупрок унумдорлигини ошириш, ерларнинг мелиоратив ҳолати ва ир-

лаш, тозалаш ишларини амалга ошириш талаб этилади. Айни пайтда давлатимиз томонидан соҳа ривожига қаратилган алоҳида эътибор тўғрисида вилоятда мелиорация тизимини салмоқли ютуқлар кўлга киритилмоқда. Жумладан, воҳада мазкур тизимни такомиллаштириш учун ишлаб чиқилган махсус дастур доирасида сўнгги беш йил мобайнида Давлат бюджетидан 80 миллиард сўмга яқин

маблағ ажратилди. Бу эса республикамиз бўйича ана шу мақсадга йўналтирилган жами маблағнинг 11 фоизини ташкил этади. Пировадида 237,7 километрик коллектор-дренаж тармоқларида қурилиш ва реконструкция қўзда тутилган. Яъни ушбу мақсадлар рўйи учун давлат бюджетидан яна 225 миллион сўм ҳамда Исломот тараққиёт банки томонидан 90 миллион АҚШ долларидан зиёд кредит маблағла-

ш Жорий йилда ҳам мўл ҳосил етиштиришда деҳқонларга елкадоқ бўлиш хоразмлик мелиораторларнинг эзгу ниятидир. Зеро, тармоқда олиб борилаётган илчил ислохотлар истиқболда қишлоқ хўжалиги раванқига хизмат қилиши, шубҳасиз.

Жорий йилда ҳам мўл ҳосил етиштиришда деҳқонларга елкадоқ бўлиш хоразмлик мелиораторларнинг эзгу ниятидир. Зеро, тармоқда олиб борилаётган илчил ислохотлар истиқболда қишлоқ хўжалиги раванқига хизмат қилиши, шубҳасиз.

Ойбек РАҲИМОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

## Оилавий бизнес

Эндиликда ҳар ойда оилавий хунармандлар қўлидан чиқаётган 500 миң сўмликдан зиёд махсулот харидорларга етказиб берилаяпти.

Эътироф этиш керакки, М. Ортиқова бизнес юритиш сабақларини туман марказида фаолият кўрсатаётган «Санам-Уйчи» масъулияти чекланган жамиятида ўзлаштирган. Бу ерда у сингари хунарманд аёллардан 30 нафари уч ойлик машғулотлардан сўнг махсус сертификат олиб, касаначилик асо-

сида оилавий тадбиркорлик киришадилар. Утган йили БМТ Тараққиёт дастурининг 16,5 миң АҚШ долларига тенг грантини кўлга киритган МЧЖ жамоаси 11 та замонавий тикув машинаси сотиб олди, имкониятларини янада кенгайтирди. Жамият фаолият бошлагандан буюн ўтган уч йил давомида 100 нафардан ортиқ хотин-қиз махсус курсни тамомлади.

Қудратилла НАЖМИДИНОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

## ● Реклама ва эълонлар ●

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ БОЖХОНА БОШҚАРМАСИ

Тошкент вилояти божхона бошқармасининг чегара божхона постларида мажҳуд «Smiths-Heimann» ва «Rapiscan» русумли рентген-сканер қурилмаларига (интроскоп) малакали техник хизмат кўрсатиши ва таъмирлаш бўйича танлов эълон қилади.

Тақлифлар техник ва тижорат қисмларга ажратилган ҳолда, алоҳида ёпиқ конвертларда ва устки қисмига «Тошкент вилояти божхона бошқармасининг «Smiths-Heimann» ва «Rapiscan» русумли рентген-сканер қурилмаларига малакали техник хизмат кўрсатиши ва таъмирлаш бўйича танловга» сўзлари ёзилган ва муҳрланган ҳолда топширилиши шарт. Тақлифларнинг техник ва тижорат қисмлари конвертлари устки қисмига мос равишда «Техник қисми» ва «Тижорат қисми» сўзлари ёзилган бўлиши шарт.

**Танлов бўйича тақлифлар 2013 йил 15 февраль соат 17.00 гача қабул қилинади.**

Қўшимча маълумотлар ва танлов ҳужжатларини олиш учун Тошкент вилояти божхона бошқармасига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин: Тошкент шаҳри, Дархонтепа кўчаси, 7-«А» уй. Телефонлар: (8-371) 120-86-26, 120-86-10.

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ БОЖХОНА БОШҚАРМАСИ

Давлат божхона қўмитасининг «TH-SCAN MT1213LT» русумли рентген-сканер қурилмасига техник хизмат кўрсатиши ва таъмирлаш бўйича танлов эълон қилади.

Тақлифлар техник ва тижорат қисмларга ажратилган ҳолда, алоҳида ёпиқ конвертларда ва устки қисмига «Давлат божхона қўмитасининг «TH-SCAN MT1213LT» русумли рентген-сканер қурилмасига техник хизмат кўрсатиши ва таъмирлаш бўйича танловга» сўзлари ёзилган ва муҳрланган ҳолда топширилиши шарт. Тақлифларнинг техник ва тижорат қисмлари конвертлари устки қисмига мос равишда «Техник қисми» ва «Тижорат қисми» сўзлари ёзилган бўлиши шарт.

**Танлов бўйича тақлифлар оммавий ахборот воситаларида эълон чоп этилган санадан эътиборан 30 кун мuddатда қабул қилинади.**

Қўшимча маълумотлар ва танлов ҳужжатларини олиш учун Тошкент вилояти божхона бошқармасига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин: Тошкент шаҳри, Дархонтепа кўчаси, 7-«А» уй. Телефонлар: (8-371) 120-86-26, 120-86-10.

## «Polimer Group Asia» МЧЖ

совуқ сув ва газ учун Ø 63-800 мм.гача бўлган полиэтилен қувурлар ҳамда фитинглар, ПВХдан ишлаб чиқарилган, бургилашдан кейин қўйиладиган «вертикал ер ости» қувурлари ишлаб чиқаради.

Шунингдек, Европанин «Pitmo» фирмасининг полиэтилен қувурларини, Ø 63-1200 диаметргача бўлган пайвандлаш ускуналарини тақлиф этади.

Кичик ҳажмларда SG-5 ёки K-67га тенг бўлган ПВХ ҳам ашёсини миллий валютада харид қилади.

Шиориимиз — сифатли маҳсулот миқоз учун.

Тел.: (+99898) 305-70-06, (+99890) 321-95-25, (+99871) 269-02-03. Факс: (+99871) 262-05-07. E-mail: info@pga.uz

## «SN INVEST» компанияси етказиб беради:

- гўзупаа ўрадиган комбайн
- ўт ўрадиган комбайн
- макса ўрадиган комбайн
- жўхори йиғувчи комбайн
- КИР 1,5 ўт майдалаш мосламалар
- пресс қиладиган мослама
- сомон йиғувчи мосламалар
- тракторлар
- бог ва ферма учун тракторлар
- гусеницали тракторлар
- картошка терадиган комбайн
- картошка экадиган комбайн
- бугдой экадиган саялка
- дори сепадиган мосламалар
- сачратиб сугорувчи мосламалар
- ем майдалаш тарқатувчи техника
- культиваторлар
- плуг, айланма плуг,
- дискили плуг
- юкловчи экскаватор, бульдозер

МАХСУЛОТЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

Tel.: (+99871) 150-58-58, 150-69-69. www.sninvest.uz E-mail: info@sninvest.uz

## «VIP SERVICE NBU» маркази

хонадонларни сотиш бўйича тўғридан-тўғри музокаралар олиб бориш тартибидеда очиқ савдолар ўтказилишини эълон қилади.

**Сотувчининг номи:** Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки унитар корхонаси — «VIP SERVICE NBU» маркази.

**Сотувчининг почта манзили ва мулоқот учун телефони:** Ўзбекистон Республикаси, 100190, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Уч Қаҳрамон кўчаси, 75-уй. Тел./факс: (8-371) 221-10-61.

**Савдоларга** Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкига тегишли бўлган тураржой биноларидаги хонадонлар қўйилади.

Т/р	Хонадон рақами	Хоналар сони	Қават	Майдон (кв.м.)	Бошланғич баҳоси (сўм)	Закалатнинг энг кам миқдори, камида (сўм)
<b>Наманган шаҳри, Истиклол кўчаси, 7-уй</b>						
1.	1	3	1	77,72	87 737 816	21 934 544
2.	2	2	1	66,61	75 203 372	18 800 843
3.	3	3	1	74,46	84 059 842	21 014 961
4.	4	3	2	77,07	77 004 477	21 751 119
5.	5	2	2	65,96	74 470 034	18 617 509
6.	6	3	2	73,92	83 450 607	20 862 652
7.	7	3	3	77,07	87 004 477	21 751 119
8.	8	2	3	65,96	74 470 034	18 617 509
9.	9	3	3	73,92	83 450 607	20 862 652
10.	10	3	4	77,43	87 410 634	21 852 659
11.	11	2	4	65,96	74 470 034	18 617 509
12.	12	3	4	73,92	83 450 607	20 862 652
13.	13	3	1	73,92	83 450 607	20 862 652
14.	14	2	1	66,61	75 203 372	18 800 843
15.	15	3	1	77,72	87 737 816	21 934 544
16.	16	3	2	73,92	83 450 607	20 862 652
17.	17	2	2	65,96	74 470 034	18 617 509
18.	18	3	2	77,07	87 004 477	21 751 119
19.	19	3	3	73,92	83 450 607	20 862 652
20.	20	2	3	65,96	74 470 034	18 617 509
21.	21	3	3	77,43	87 410 634	21 852 659
22.	22	3	4	73,92	83 450 607	20 862 652
23.	23	2	4	65,96	74 470 034	18 617 508
24.	24	3	4	77,43	87 410 637	21 852 659
<b>Наманган шаҳри, Истиклол кўчаси, 8-уй</b>						
25.	1	2	3	62,04	64 509 900	16 127 475
26.	2	2	3	57,43	59 720 316	14 930 079
27.	3	2	2	62,04	64 509 900	16 127 475
28.	4	2	2	64,70	67 273 520	16 818 380
29.	5	2	2	66,23	68 863 122	17 215 781
30.	6	3	2	74,01	76 946 193	19 236 548
31.	7	2	2	62,04	64 509 900	16 127 475
32.	8	2	2	64,70	67 273 520	16 818 380
33.	9	2	2	66,23	68 863 122	17 215 781
34.	10	3	2	74,01	76 946 193	19 236 548
35.	11	2	2	62,04	64 509 900	16 127 475
36.	12	2	2	64,70	67 273 520	16 818 380
37.	13	2	2	66,23	68 863 122	17 215 781
38.	14	3	2	74,01	76 946 193	19 236 548
39.	15	2	2	57,43	59 720 316	14 930 079
40.	16	2	2	62,04	64 509 900	16 127 475
41.	18	2	2	66,23	68 863 122	17 215 781
42.	19	2	2	64,70	67 273 520	16 818 380
43.	20	2	2	62,04	64 509 900	16 127 475
44.	21	3	2	74,01	76 946 193	19 236 548
45.	22	2	2	66,23	68 863 122	17 215 781
46.	23	2	2	64,70	67 273 520	16 818 380
47.	24	2	2	62,04	64 509 900	16 127 475
48.	25	3	2	74,01	76 946 193	19 236 548
49.	26	2	2	66,23	68 863 122	17 215 781
50.	27	2	2	64,70	67 273 520	16 818 380
51.	28	2	2	62,04	64 509 900	16 127 475
52.	1-дўкон		1	41,07	59 484 726	14 871 182
53.	2-дўкон		1	29,04	42 077 772	10 519 443
54.	3-дўкон		1	29,04	42 077 772	10 519 443
55.	4-дўкон		1	39,50	57 212 996	14 303 249
56.	5-дўкон		1	39,50	57 212 996	14 303 249
57.	6-дўкон		1	29,04	42 077 772	10 519 443
58.	7-дўкон		1	29,04	42 077 772	10 519 443
59.	8-дўкон		1	41,07	59 484 726	14 871 182

**Музокараларни ўтказиш санаси, вақти ва жойи** — 2013 йил 6 март, соат 11.00, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки Наманган бўлими биноси. Манзил: Наманган вилояти, Наманган шаҳри, 2-микрорайон, Дўстлик кўчаси, 2-уй.

**Олди-сотиш шартномасини тузиш шартлари (тақлиф этилаётган сотиб олиш суммаси, уни тўлаш мuddати ва шартлари)**

Олди-сотиш шартномаси сотувчи ва харидор томонидан савдо баёни имзоланган санадан бошлаб 20 кундан кечикмасдан ёзма равишда имзоланиши, нотариал тасдиқланиши ва давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим.

Харид қилиш тўлови тузилган шартнома шартлари мубофиқ, шартнома имзоланган санадан бошлаб 90 кундан кечикмасдан амалга оширилиши керак.

**Закалат миқдори, мuddати ва тўлаш тартиби**

Талабгор хонадон бошланғич баҳосининг 25 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини мазкур эълон чоп этилган санадан бошлаб тақлифларни қабул қилиш мuddати тугагунча қадар сотувчининг махсус ҳисоб рақамига ўтказиши лозим.

**Закалат тўлаш учун банк реквизитлари**

«VIP SERVICE NBU» маркази УҚ махсус ҳисоб рақами 20210000503981099009 Ўзбекистон Республикаси ТИФ Миллий банкининг Юнусобод филиали (банк коди 00836) СТИР: 202778694, ОКОНХ: 83200.

**Талабгорларнинг тақлифларини қабул қилиш жойи ва вақти**

